

Наманган шаҳри

«07» Январ 2022 йил

«Наманган Дори-Дармон» АЖ, бундан буён «Ижрочи» деб аталувчи номидан бошқарув раиси Косимов Р.Х. бир томондан, Чроток туман Тиббиёт Бирлашмаси бундан буён «Буюртмачи» деб аталувчи номидан Б.Содиқов иккинчи томондан, қуйидагилар туғрисида ушбу шартномани туздилар:

### 1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. «Ижрочи» ушбу шартномага асосан «Буюртмачи»га узаро келишилган миқдорда ва муддатларда шартноманинг умумий қийматидан ошмаган суммадаги дори-дармон ва тиббий махсулотларини етказиб беради, «Буюртмачи» етказиб берилган дори-дармонларни қабул қилиб олиб, тулов хужжатларини амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ расмийлаштиради. Дори-дармон ва тиббий махсулотларнинг номи, миқдори, қиймати, етказиб бериш муддатлари ва бошқа тегишли маълумотлар шартномага 1-илова (спецификация)га мувофиқ қабул қилинади. «Буюртмачи» тақдим этган тулов хужжатларига асосан белгиланган тулов кетма-кетлигига риоя қилган ҳолда «Буюртмачи»нинг харажатлар сметасида кузда тутилган маблағлар доирасида белгиланган тартибда ҳудудий газна ҳисоб-рақамидан туловларни амалга оширади.

### 2. ДОРИ-ДАРМОН МАХСУЛОТИНИНГ СИФАТИ

2.1. Етказиб бериладиган дори-дармон махсулотининг сифати Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчиликка асосан етказиб бериладиган товар ва моддий-қийматликлар учун белгиланган ГОСТ ва бошқа меъёрларга мувофиқ бўлган сертификати ёки таҳлил (текшириш) баёни билан тасдиқланиши шарт;

2.2. «Ижрочи» «Буюртмачи»га дори-дармон махсулоти билан бирга мувофиқлик сертификати нусхаси тақдим этади.

### 3. ТОМОНЛАРНИНГ ХУКУК ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ:

«Сотувчи»нинг мажбуриятлари:

3.1. «Сотувчи» етказиб бериладиган дори-дармон махсулот сифатини Ўзбекистон Республикасининг амалдаги меъёрларга мувофиқ бўлишини ҳамда тегишли сифат сертификати ёки таҳлил (текшириш) баёнига эга бўлишини ва узаро келишилган миқдорда бўлишини таъминлайди;

3.2. «Харидор»га дори дармон махсулотларини етказиб бериш вақтида аниқланган камчиликларни «Харидор талабига мувофиқ 3 кунлик муддатда бартараф этади.

3.3. Дори-дармон махсулотларини қабул қилиб олиш вақтида аниқланган камчиликларни, яъни шартноманинг 5.4 бандига мувофиқ расмийлаштирилган камчиликларни, «Буюртмачи» расмий ёзма талабига мувофиқ 7 кунлик муддатда бартараф этади.

«Харидор»нинг мажбуриятлари:

3.4. Уз талабномаси буйича етказиб берилган дори-дармон махсулотларини мазкур шартномага ва иловага мувофиқ қабул қилиш;

3.5. Дори-дармон махсулотларини мазкур шартноманинг келишувларида кўрсатилган нарх буйича белгиланган муддатларда узил-кесил ҳисоб-китобни амалга ошириш учун тегишли газна муассасига хужжатларни тақдим этиш;

### 4. ШАРТНОМАНИНГ БАХОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

4.1. Мазкур шартноманинг умумий қиймати Етти юз эллик минг икки юз туксон олти сум 40 тийинни ташкил этади.

4.2. «Ижрочи» билан «Буюртмачи» ўртасида ҳар ойнинг бошида «Буюртмачи»нинг ёзма талабномасидан келиб чиқиб, етказиб бериладиган дори-дармон махсулотларининг миқдори ва нархини қушимча шартнома имзолаб, муҳр билан тасдиқланади ҳамда ушбу қушимча шартнома мазкур шартноманинг узвий қисми ҳисобланади;

4.3. «Буюртмачи» тегишли даврда оладиган дори-дармонлар ва тиббиёт буюмлари учун 30 фоиз аванс туловини олдиндан «Ижрочи» ҳисоб-рақамига утказиб, қолган 70 % ни ҳисоб-фактура тақдим этилгандан сунг 90-кун ичида ҳисоб-китоб қилиши лозим;

4.4. «Ижрочи» тегишли даврда томонларнинг узаро шартнома ва иловасига мувофиқ белгиланган миқдорда ва муддатларда дори-дармон махсулотлари ва тиббиёт буюмларини олиб кетиш учун тайёрлаб беради. «Буюртмачи» тайёр дори-дармон махсулотлари ва тиббиёт буюмларини узига тегишли транспорт воситасида олиб кетади.

4.5. «Буюртмачи» етказиб берилган дори-дармон махсулотлари учун «Ижрочи» тақдим этган хужжатларга асосан узил-кесил ҳисоб-китобни узаро келишилган шартномада белгиланган муддатларда «Ижрочи» ҳисоб-рақамига пул утказиш йўли билан амалга оширади;

### 5. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

5.1. Шартнома мазкур шартнома ва қонун хужжатлари шартлари ҳамда талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак. Агар томонлар уз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади;

5.2. Шартнома бажарилишни бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама узгартиришга йўл қуйилмайди. Шартнома бажарилиши рад этилиши ёки шартнома шартлари, бандлари тарафларнинг узаро икки томонлама келишувига мувофиқ расмий тартибда имзоланиб, муҳр билан тасдиқланган сунг узгартирилиши мумкин.

5.3. Дори-дармон махсулотлари ва тиббиёт буюмларини илова буйича тулик, 100 % қабул қилиш-топшириш далолатномалари тузилган сана шартномалар буйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади. Шартномага мувофиқ олинган дори-дармон махсулотлари ва тиббий буюмлар учун туловлар тулик қийматда, 100 %. Ижрочининг ҳисоб рақамига утказиб берилган сана «Буюртмачи» мажбуриятлари бажарилган сана ҳисобланади.

5.4 «Ижрочи» томонидан тайёрланиб, «Буюртмачи» томонидан олиб кетилаётган дори-дармон махсулоти ва тиббиёт буюмлари бевосита «Буюртмачи»нинг масъул ходими томонидан далолатнома ёки юк хати буйича қабул қилинади. Далолатномада етказиб берилган дори-дармон махсулоти миқдори, уларнинг сифати кўрсатилади. Агар «Буюртмачи» масъул ходими, вакили томонидан қабул қилиниб, олиб кетилаётган дори-дармон махсулотлари ва тиббиёт буюмлари сифати, сони, миқдори, ҳолати, сакланиши ва бошқа хусусиятлари юзасидан эътирозлар мавжуд бўлиб, камчиликлар аниқланган тақдирда бевосита қабул қилиш жараёнида ушбу ҳолатлар далолатномада акс эттирилиб, тарафларнинг масъул ходимлари томонидан имзоланиб, тасдиқланиши шарт. Шартномада белгиланган тартибда ёзма равишда расмийлаштирилиб, аниқланган камчиликлар 3 кунлик иш кунида давомида «Ижрочи» томонидан бартараф этилиши лозим. Тегишли тартибда ёзма равишда расмийлаштирилиб, «Буюртмачи» ёки унинг масъул ходими, вакили томонидан олиб кетилган дори-дармон махсулотлари ва тиббиёт буюмлари «Ижрочи» томонидан қайтариб олинмайди.

### 6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

Кўриб чиққан юрист: ХАЙДАРОВ МАХМУД ХУСАЙНОВИЧ. Хужжат рақами: NW1716676452

6.1. Дори-дармон махсулотларини етказиб бериш кечиктирилган ёки тулик етказиб берилмаган тақдирда «Ижрочи» «Буюртмачи»га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи микдорда пеня тулайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган дори-дармон махсулотлари қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак. Пеня туланиши шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани зарур тарзда бажаришдан ва дори-дармон махсулоти етказиб бериш муддати кечиктирилиши ёки тулик етказиб берилмаслиги туфайли етказилган зарарлар қопланишидан озод этмайди;

6.2. Етказиб берилган дори-дармон махсулоти учун уз вақтида ҳақ туланмаганда «Буюртмачи» «Ижрочи»га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тулов суммасининг 0,4 фоизи микдорда пеня тулайди, бироқ бу кечиктирилган тулов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак;

6.3. Мазкур шартномада назарда тутилмаган томонларнинг жавобгарлиги чора-тадбирлари ҳужжалик, фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ қўлланилади.

## 7. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

7.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда томонлар қондага кура мустақил равишда уларни судга қонуний ҳал этиш чораларини курадилар;

7.2. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни ҳал этиш учун бевосита туманлараро иқтисодий судга муурожаат қилишга ҳақлидир.

## 8. ФОРС-МАЖОР

8.1. Форс-мажор ҳолатлар, жумладан ер қимирлаши, сел қилиши каби табиий офатлар, шунингдек Ўзбекистон Республикаси президенти, қонун чиқарувчи, ижроия ҳукумати томонидан янги фармон, қонун, қарор ва бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиниши натижасида келиб чиқадиган ҳолатларда тарафлар мазкур шартнома ва қушимча қилишувлар шартларини бажариш масъулиятини уз зиммаларига олмайдилар.

## 9. ШАРТНОМАНING АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

9.1. Мазкур шартнома «Харидор» ва етказиб бурувчи томонидан тасдиқлаиб, «Газначилик» бўлиммаси руйхатга олинган сўнг кучга кириди ва 2022 йил « 31 » декабрь \_\_\_\_\_га қадар амал қилади;

9.2. Томонлар уртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва ҳисоб-китоб тулик яқунланган тақдирда тугатилади.

## 10. ЯҚУНИЙ ҚОИДАЛАР

10.1 Мазкур шартнома икки нусхада тузилади. Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучга эгадир.

## 11. ТОМОНЛАРNING МАНЗИЛИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ:

«ИЖРОЧИ»

«Наманган Дори-Дармон» АЖ  
Наманган ш., У.Носир кучаси, 12 уй  
тел 227-20-30, 221-23-73  
х/р 20210000700306609001  
Миллий банк Наманган бўлими  
МФО 00222; ОКОНХ 71150  
СТИР 200046886

«Буюртмачи»

Буюртмачи номи: Чортоқ туман Тиббиёт Бирлашмаси  
Манзил: Чортоқ шаҳри Ибн Сино 5 уй  
Тел/факс\_ 69 41 24 271  
шҒХ: 1000 228 601 423 670 731 020 54 001  
Ташкилотнинг СТИРи: 200 107 739  
Чортоқ туман буйича Газначилик

(газначилик бўлими номи)

ЯҒҲ 23 402 000 300 100 001 010  
Банкнинг номи: Марказий банкнинг Тошкент шаҳар  
Бош бошқармаси ҳисоб-китоб-касса маркази (ХККМ)

МФО 000144  
Газначилик бўлими СТИР 201 122 919

Раҳбар Б.О.Содиқов

(лавозими) (Ф.И.Ш.)

Бошқарув Раиси Р.Х.Косимов

(Ф.И.Ш.)

(имзо)

М.У.

Изоҳ:

\*У буюджетдан маблағ олувчининг газначилик бўлимида очилган тегишли шахсий ҳисоб варағи (шахси ҳисоб варақлари) курсатилади.

\*\*)-бюджетдан маблағ олувчининг бюджетдан ташқари маблағлари буйича талаб қилиб олинган ҳисобварағи курсатилади.

Ушбу шартнома лойихаси Уз.Р. «Ҳужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тугрисида»ги қонуннинг 10.24-34 моддалари ва Уз.Р. «Фуқаролик кодекси»нинг 386-424 моддалари талабларига жавоб беради.  
Ҳуқуқшунос

HUQUQSHUNOS ISMATULLAYEV  
BAKHODIR G'ULOMJONOVICH  
SHARTNOMALAR UCHUN  
Imzo

41118308

"NAMANGAN DORI-DARMON" aksiyadorlik jamiyati va "Chortoq tuman tibbiyot birlashmasi"  
 ўргасидаги тузилган 07.01.2022-йилдаги 11-сонли шартномага

Етказиб бериладиган Дори дармоннинг миқдори ва нарҳини

### СПЕЦИФИКАЦИЯСИ

Договор № 11 от 07.01.2022 г.

№	Код	Дори-Дармонларнинг номи	Ул бир	Миқдори	Нарҳи	Суммаси	НДС		Етказиб бериш киймаси НДС билан
							Ставка	Сумма	
1	186	Спирт этиловый "люкс" (этанол) 96,32%	кг	30	21747,72	652431,65	15	97864,75	750296,4
		<b>Жаъми</b>				<b>652431,65</b>			<b>750296,4</b>

#### «ИЖРОЧИ»

«Наманган Дори-Дармон» АЖ  
 Наманган ш., У.Носир кучаси, 12 уй  
 тел 227-20-30, 221-23-73  
 х/р 20210000700306609001  
 Миллий банк Наманган бўлими  
 МФО 00222; ОКОНХ 71150  
 СТИР 200046886

#### «Буюртмачи»

Буюртмачи номи: Чортоқ туман Тиббиёт Бирлашмаси  
 Манзил: Чортоқ шаҳри Ибн Сино 5 уй  
 Тел/факс\_ 69 41 24 271  
 шфх: 1000 228 601 423 670 731 020 54 001  
 Ташкилотнинг СТИРи: 200 107 739  
 Чортоқ туман буйича Газначилик

(газначилик бўлими номи)

ЯҒХ 23 402 000 300 100 001 010

Банкнинг номи: Марказий банкнинг Тошкент шаҳар  
 Бош бошқармаси ҳисоб-китоб-касса маркази (ХККМ)

МФО 00014

Газначилик бўлими СТИР 201 122 919

Раҳбар Б.О.Содиқов

(таълим)

(Ф.И.Ш.)




Бошқарув Раиси Р.Х.Косимов


(Ф.И.Ш.)

(имзо)

М.У.



М.У.



## YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

1. Loyihaning turi: Shartnoma № 11
2. Loyihaning nomi: Dori-darmon va tibbiyot buyumlarini yetkazib berish to'g'risida.

Chortoq tuman tibbiyot birlashmasi va Namangan Dori Darmon AJ o'rtasida o'rtasida dori-darmon va tibbiyot buyumlarini yetkazib berish to'g'risida.


3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: Chortoq tuman tibbiyot birlashmasi tomonidan 07.01.2022 yilda ishlab chiqilgan va 14.01.2022 yilda dasturga kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Markaz boshlig'i:



M.Xaydarov



YURIDIK SHAHSNI DAVLAT RO'YHATIDAN O'TKAZISH TO'G'RISIDA

# GUVOHNOMA

Reestr № **07402**

№ 7402

2014 yil "09" sentabr

Mazkur guvohnoma **"NAMANGAN DORI-DARMON"**

yuridik shaxega berildi

Tashkiliy-huquqiy shakli:	<b>Aksiyadorlik jamiyati</b>	TSHST (OΠΦ)	<b>1150</b>
Mulkchilik shakli:	<b>Aksiyadorlar</b>	MSHT (ΦC)	<b>144</b>
Davlat ro'yxatidan o'tgan kundagi pochta manzili:	<b>Namangan shahar</b> <b>Usmon Nosir ko'chasi, 12-uy</b>	MHBT (COATO)	<b>1714401</b>
Yuridik shaxs kodi:		KTUT (OKΠO)	<b>02018441</b>
Asosiy faoliyat turi:	<b>Ulgurji savdo</b>	XXTUT (OKOHX)	<b>71150</b>
Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami:		STIR (IHH)	<b>200046886</b>

Qo'shimcha ma'lumotlar: **"NAMANGAN DORI-DARMON" OAJ negizida tashkil etilgan**  
**va uning huquqiy vorisi hisoblanadi.**

Vakolatli organ boshligi:

**D. Abduqodirov**

